

ИНСОН ВА ҚОНУН

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОЙ-ОММАОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 26 сентябр, сешанба

№ 39 (191)

Сотувда эркин нархда

ҒАЙРИҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВЛАР

...ва айрим бюрократик тўққинликлар одамларни ишдан қўли совушига, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истакларининг сўнишига олиб келмоқда.

Президентимиз томонидан иқтисодий ислохотларнинг бориши, бу борада эришилган ютуқлар ва ижобий кўрсаткичлар таҳлил қилиб берилар экан, оқсатган, ечимсиз муаммолар мавжудлиги ҳақида ҳам танқидий фикрлар билдирилганлигидан бохабаримиз. Хусусан, тадбиркорларни назорат қилувчи органларнинг ғайриқонуний текширувдан ҳимоя қилиш ўта муҳим масала эканлигига алоҳида ургу берилди.

Салбий ҳолатларни бар-тароф этиш бўйича мавжуд қонун ва меъриий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя қилиниши устидан назоратни тавминлаш, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан зилмдан қаршилик кўрсатишнинг барча ҳоллари устидан мониторингни амалга ошириш ва бошқа ваколатлари адиля бошқармалари таркибида янги ташкил этилган бўлимимиз амалга оширади.

Хусусан, ушбу бўлим қисқа вақт ичида 50 дан зиёд шикоят-аризаларни текшириб, мазмунан ҳал қилди.

Масалан, Андижон шаҳридаги "МКиС" ишлаб чиқариш корхонаси директори Рустам Раҳимов ва бош ҳисобчиси А.Шайхиломо-валарнинг қонуний манфаатларини кўлаб, "Андижонбанк" амалиёт бўлими мутахассиси Муҳиддин Ар-слонов ва Андижон шаҳар давлат солиқ инспекцияси инспектори А.Қодировдан корхона фаолиятига нотўғри хулоса берилиши оқибатида жиноий иш қўзғати-лишига сабаб бўлганлиги, Р.Раҳимов ва А.Шайхило-мовага 480000 сўм моддий ва 400000 сўм маънавий зарар етказилганлиги учун Андижон шаҳар судига даъ-во аризаси киритилди. Даъ-во тўла қаноатлантирилди.

Бундай ишларга кенг ош-коралик берилишини таъ-

минлашмиз. Ба-диқчи тумани "Ғалаба" жамоа хўжалиги ҳисобидан "Аб-босбек" фермер хўжалиги фойдасига 543748 сўм, "Жа-ҳонгир" фермер хўжалиги фойдасига 577408 сўм миқ-дорда етказиб берилган маҳсулот ҳақини ундириб бериш тўғрисида хўжалик судига даъво аризалари киритилди. Улар қаноатланти-рилди. Шу ердаги "Нўмон-жон" фермер хўжалиги фойдасига 564448 сўм, "Рўзимухаммад" фермер хўжалиги фойдасига 986417 сўм, "Махмудқори" фермер хўжалиги фойдасига 280006 сўм миқдорда етказиб бе-рилган маҳсулот ҳақини, "Алчазор" фирмаси фойда-сига 75000 сўм миқдорда етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисида "Бўстон" жамоа хўжалиги-га нисбатан киритилган даъ-во аризалари Хўжалик суди томонидан қаноатлантири-либ, ҳал қилув қарори чи-қарилишига эришилди.

Андижон шаҳрилик ху-сусий тадбиркор И.Асронов корхонасидаги электр тар-моғи Андижон шаҳар электр хизмати идораси томонидан ноқонуний узиб қўйилган-лиги оқибатида етказилган 66000 сўм моддий ва 50000 сўм маънавий зарарни маз-кур идора бўлими бошлиғи Б.Аҳмадалиев, техник нозир

Вилоят ағлия бошқармаларига

Д.Кенжаев, монёрлар М.Отахонов, Х.Жўрабевлардан ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилишини таъминлади.

Хўжабод туманидан "Умид" ва "Чинор" фер-мер хўжаликлари, Асака шаҳридан "Тадбиркор-6" ху-сусий фирмаси ишлаб чиқаришини ривожланти-риш мақсадида банк му-ассасаларидан кредит олишда баъзи тўққинларга дуч келган эди. Бизнинг аралашувишимиз билан улар бартараф этилди. Бу борада тарбиёт ишларини ҳам кенг йўлга қўймоқда-миз. "Андижон" телевиде-ниесининг "Адолат йўли-да" кўрсатувчи орқали мун-тазам равиши телерадио-лар, сув жараёنларини кўрсатиб боришга эриш-дик. Газеталарда мунтазам мақолалар бериб бормоқ-дамиз.

Ишлар суръат билан давом эттирилмоқда.

аниқланган ҳуқуқбузар-ликлар юзасидан тегиш-ли ҳокимлик ва идора-ларга 19 та тақдирнома киритдик, уларнинг кўриб чиқилиши ва чора-тадбирлар белгилани-шини таъминлади. Киритган 5 та оғоҳнома-миз юзасидан ҳам чоралар қўрилишига эришилди. Тадбиркор-лар манфаатини кўлаб кўришда 25 та даъво аризаси киритдик, улардан 22 таси, 1.667.786 сўм миқдор-да қаноатлантирилди, 1.700.000 сўмлик 3 та даъво аризаси кўрилиш жараёнидадир.

Бўстонлик тумани Кўшқўрғон қишлоғилик тадбиркор Зийда Ар-тиқ-хўжаева расмий ҳужжат олган ҳолда майда улгурчи савдо-сотик ишларини олиб бориб, қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатиб келган.

1999 йил 16 мартда Бўстонлик туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари А.Нишонов ва М.Давлетовлар унинг дўконидан текшириш ўтказиб, касса аппарати-сиз иш юритаётганлиги ҳақида далолатнома

Бўстонлик тумани Кўшқўрғон қишлоғилик тадбиркор Зийда Ар-тиқ-хўжаева расмий ҳужжат олган ҳолда майда улгурчи савдо-сотик ишларини олиб бориб, қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатиб келган.

1999 йил 16 мартда Бўстонлик туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари А.Нишонов ва М.Давлетовлар унинг дўконидан текшириш ўтказиб, касса аппарати-сиз иш юритаётганлиги ҳақида далолатнома

ааниқланган ҳуқуқбузар-ликлар юзасидан тегиш-ли ҳокимлик ва идора-ларга 19 та тақдирнома киритдик, уларнинг кўриб чиқилиши ва чора-тадбирлар белгилани-шини таъминлади. Киритган 5 та оғоҳнома-миз юзасидан ҳам чоралар қўрилишига эришилди. Тадбиркор-лар манфаатини кўлаб кўришда 25 та даъво аризаси киритдик, улардан 22 таси, 1.667.786 сўм миқдор-да қаноатлантирилди, 1.700.000 сўмлик 3 та даъво аризаси кўрилиш жараёнидадир.

Бўстонлик тумани Кўшқўрғон қишлоғилик тадбиркор Зийда Ар-тиқ-хўжаева расмий ҳужжат олган ҳолда майда улгурчи савдо-сотик ишларини олиб бориб, қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатиб келган.

1999 йил 16 мартда Бўстонлик туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари А.Нишонов ва М.Давлетовлар унинг дўконидан текшириш ўтказиб, касса аппарати-сиз иш юритаётганлиги ҳақида далолатнома



Андижон вилоят божона бошқармасининг "Дўстлик" божона маска-нида божона коллежи курсантлари бўлиб туришда ва устозларидан ўзларига керакли бўлган билимларни олишда.

Суратда: (ўртада) божона хизмати катта лейтенанти Ақлбек Бўстонқулов ҳаммаси Муроджон Турдиев билан божона колле-жи курсанти Элмурод Турдиева ўзларининг беминнат маслаҳат-ларини беришмоқда.

ОБУНА-2001

АЗИЗ ҲУҚУҚЧИ!

АМИН БЎЛАНИНГИЗДЕК, ЧИГАЛ ТАҚДИРЛАР ТУТУНИНИ ЕЧИШДА, АДОЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШДА, ДАДИ ВА РОСТ СЎЗИ БИЛАН ИМКОН ҚАДАР ОФИРИНГИЗИНИ ЕНГИЛАТИШДА МАСЛАҲАТ-ЧИНГИЗ, ХАМРО-ХИНГИЗ, ДИКА-ШИНГИЗ, ХИМОЯ-ЧИНГИЗГА АЙЛАНГАН ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТА

2001 йил учун республикамиз газетаси ва журналларига обуна бошланг.

Индекс: яққа обуначилар учун-137, ташкилотлар учун-138.

"Инсон ва қонун"ни унутманг.

Янги асрда бирга бўлаيлик. Бу йилгидек сотувда қидириб, оловора бўлиб юрманг! Барча алоқа бўлимларида сизни кутишмоқда.

Огоҳлик одатимиз бўлсин!

КУНДАЛИК ИШИМИЗГА АЙЛАНДИ

Муштақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси олдида турган энг масъулиятли вазифалардан бири — юртимиз истиқболни йўлга солишда оқилолликни сақлаш, тинчликни янада мустаҳкамлашдир. Фаровон ҳаётимиз, бунёдкорлик ишларимиз, эришяётган ютуқларимиз қадрига етмасак, ҳушёрлигимизни йўқотиб қўйсақ, ҳар турли таҳдидларга вақтида зарба беролмаймиз.

Яқиндагина Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сароисиё туманларида суқулиб кириб, шармандали ўлимга рўбарў бўлган газандар тахтовузи ҳар биримизни сергажлантириши керак. Юртимиз оқилолликни унинг ҳақид кетган ватан ўғлонлари номлари асло хотирамиздан ўчмайди. Улар орасида самарқандлик, каттақўрғонлик мард ўғлонлар ҳам бор.

Шахримиздаги мавжуд ўттиз олти маҳалла, мактаб ва ўрта мах-сус ўқув юртлирида огоҳликка даъват этувчи тадбирлар ўтказилди. Маҳаллаларда ўтказилган бундай йиғинларда барча қатори муқад-дам судланганлар, нотинч оилалар вақиллари, спиртли ичимликка

ружу қўйган шахсларнинг ҳам иштирокини таъминлади. Негаки, бундайларда жиноятга мойиллик бўладики, улар жамият ҳаётидан четда қолмасликлари керак. Айна пайда вояга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекцияси фаолияти юзасидан прокурорлик нозо-рати олиб бораёямиз. Шаҳар ҳокимлиги қошдаги вояга етмаган-лар иши билан шуғулланувчи комиссия билан ҳамкорликда иш юритаёямиз.

Республикамиз муштақиллигини мустаҳкамлаш, истиқдол ғояла-рини ҳар бир фуқаро қалбига синдириш, уларнинг ҳушёрлиги, сезгирлигини ошириш, қонунийликни тарғиб қилиш кундалик иши-мизга айланди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, ўз сама-расини беради.

ШУҲРАТ ЖЎРАЕВ,
Каттақўрғон шаҳар
прокурорининг ўринбосари,
1 даражали ҳуқуқшунос

ХИЁНАТ

ёки "Дамас"нинг томида макка эккан "тадбиркор"

Жиноят ким томонидан ва нега со-дир этилади? Бугун сизу биз билан гурунглашиб, тўй-маъракаларда, йўлда бирга юрган ҳамтенг, ҳамқи-лоқ қарабсизки, эртага жиноятчи!.. Мулоҳаза ва далилларимиз шу ҳақида.

МАТОНАТЛИ КИШИЛАР

Бу йил Амударёнинг кўйи қисми аҳолиси табиат ўжарлигига тап берди. Яна ҳам аниқроқ гапирганда, унинг инжиқликлари олди-да инсон зоти ноилж қол-ди. У ўз ақл-заковатини қанчалик ишга солмасин, барибир Амударёни сувга тўлата олмади, уммон ман-балари — баланд тоғларни қор-ёмғирларга сероб этол-мади. Оқибатда Хоразм аҳолиси ва Қорақалпоғис-тон Республикаси экинзор-ларига кўп йиллик меъёр-даги сувнинг атиги учдан бири, кўпгина кишлоқ ва туманларга эса ундан ҳам камроғи етиб борди.

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Сув танқ-ислиги муносабати билан Қорақалпоғистон Респу-бликаси ва Хоразм вилоятига амалий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида" шу йил 20 июл кунин қабул қилган қарорини кўпгина мушкулликларнинг ечими-га йўл очиб берди. — дейди Хонқа туманидаги Ал-Хо-размий номли ширкат хўжа-лиги раиси Мадрохим ога Собиров. — Жамоа раҳбар-ининг бу фикри хўжалиқда-ғи ҳамма деҳқон фермерлар, ижарачи ва пудратчиларга ҳам маъқул эканлигини ан-ғлаш қийин бўлмади.

— Мазкур қарор шарофа-ти билан чўнтагимиз бепул қолмайдиган бўлди, — деди биз билан суҳбатлашган ижарачи-шоликор Комил-жон Рўзиев.

Унинг айтишича, содир бўлган қурғоқчилик аввали-га кўпчиликнинг ҳафсала-сини пир қилган, қўлини ишдан совутган. Бироқ ҳуқуқат қарори чиққач, ҳамманинг дилида умид уч-қунлари ёлқинланган. Одамлар бел боғлаб ишга киришган.

— Деҳқонни йўлбошчи-миз, ҳуқуқатимиз қўласа-ю, нега энди у ўзини ўзи қўламайсиз? — фикрини са-вол оҳангига баён этди пах-тачилик бригадаси бошлиғи Курбонбой Жуманиев. — Аввалига барчамиз "Э, бу йилги меҳнатимиз шамолга совуриларкан-да", деган ўй билан ҳатто кетмонни "қозикқа илиб" қўйган эдик. Вазирлар Маҳкамаси-нинг қароридан кўзда тутил-ган имтиёзлар туфайли ҳам-мамиз оёққа қалқидик. Бригаданиз ҳудудда кол-лектор тармоқлари кенг. Уларнинг бир қисмини шўр ва зах сувлардан тозалаб, ўрнига тоза сув қўйдик. Ун-дан ерости бўйлаб таралган нам ўнларча гектар майдон-даги экинлар жонига оро кирди. Нисбатан кам шўрланган коллектор сувла-рига эса қўшимча насослар ўрнатилди. Бунинг шарофа-тидан қуриб қолаётган ўза-ниҳолларига қайта жон кир-ди. Мана, пахта йиғим-те-римига ҳам киришдик. Қураёйсизки, ҳосил салмоғи ўтган йиллардагидан кам эмас. Гектарига камидан 32 центнерни қўзляёямиз.

Бригадир кўнгилга хуш ёқадиган гапларни хўп то-пиб гапирди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг мавсум арафасида чиқар-ган янги қарорига муво-фиқ пахтанинг бу йилги харид нархлари тағин оширилгани қўшимча да-ромат манбаи эканлигини мамнуният билан таъкид-лади. Бироқ ҳарна қилса-ям "йўқотиш"лар йўқ эмас. Хўжалик раҳбари Мадрохим ақанинг эъти-роғи эшитилди, Хоразмнинг энг йирик шолчилик хўжалиги (у ҳар йили ўрта-ча 17-18 минг тонна шולי етказиб берган) бу йил ана шу соҳадаги маъқени бой берган. Илк баҳордаёқ Амударё ҳавзасидаги сув-нинг камайиб кетгани боис асосий гектарларга шולי эмас, пахта уруғи экилган. Натижанда пахта-зорлар 1100, шолзорлар 815 гектарни ташкил эт-ган. Шунингдек, 160 гек-тар майдонда бугдой ўсти-рилган (унинг ҳосилдорли-ги гектарига 60 центнерга етди, рентабеллик даража-си 45 фоиз). Қанд лавлаги пайкаллари эса 400 гектар-дан иборат. Хўжалик Аму-дарё соҳилларида жойлаш-ганига қарамай, 120 гек-тар майдонга ҳарчанд ури-нилса-да, барибир сув етиб бормади.

(Давоми 4 - бетда)

Осойишталигимиз посдонлари

3-БЕТ

ОКтябр - ўқитувчилар ва мурабийлар кун




1 ОКТАБР -
ЎҚИТУВЧИЛАР ВА
МУРАББИЙЛАР
КУНИ

Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,
Хаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.

Абдурахмон ЖОМИЙ.

ИБРАТЛИ УМР СОҲИБИ



Ўзбекистоннинг етакчи ҳуқуқшунос олимларидан бири, Тошкент Давлат юридик институтининг "Халқаро хусусий ҳуқуқ" кафедраси мудири, ЎзР ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор ҲОЖИАҚБАР РАҲМОНҚУЛОВ етмиш беш ёшга тўлди.

ТАБАРРУК
ЮРИСТААР

Ишлаб чиқишда фаол қатнашиб келмоқда. Мулкчилик, корхоналар, тадбиркорлик, ер, банк фаолияти, хорижий инвестициялар ва инвесторлар, ташқи иқтисодий фаолият ҳақидаги қатор қонунлар, бозор ва мулкчилик муносабатларини тартибга солишда асосий ҳуқуқий манба — республикамиз Фуқаролик Кодекси лойиҳаларида бу инсоннинг ўрни ва фикри бор. Олимнинг илмий қизиқишлари, тадқиқотлари энг аввало мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг долзарб муаммолари билан узилибди.

Ижтимоий ва ҳуқуқий матбуот нашрлари таҳрир ҳайъати аъзоси, жаҳон дипломатияси ва иқтисодиёти, ТДЮИ ва Қозғистон Миллий Академияси Давлат ва ҳуқуқ институтини қошидаги номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича ихтисослашган Илмий Кенгашларнинг аъзосидир.

Иирик ҳуқуқшунос олим, мураббий, устоз фан ва жамоат арбоби Ҳожиакбар Раҳмонқулов ўзининг етмиш беш ёшини куч-ғайратга тўлган ва ижодий қобилияти гуллаб-яшнаган ҳолда кутиб олмақда. Бинобарин, илмий жамоатчилик уни янгидан-янги теран илмий асарлар яратиб, баркамол шогирдларни илм-фаннинг нурафшон чўққилари сари олға бошлаб боришига ишонади.

Биз ушбу туйхат ўрнидаги мақолада забардаст олимнинг ҳаёт ва фаолиятидан бир қисмининга ёрита олдик. Ҳали бу инсон ҳақида айтар сўзларимиз бисёр. Улар айtilади ва битилмаж.

Табаррук ёшингиз муборак, ўзингиз доимо соғ бўлинг, Ҳожиакбар ака!

Ҳалимбой БОБОЕВ,
Шоакбар ШОРАХМЕТОВ,
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

Яхши инсонни қадрлаш, уни ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш халқимизга хос фазилатлардандир. Саксон беш ёшли Нуриддин ота Насриддинов ана шундай ёзозли инсонлар сирасига кирди.



БАХТЛИ ИБРАТ

Билим юртини тугатиб, бир неча йил заводда чилангар бўлиб ишлаган. Бобомнинг илмга чанқоқлиги уни Тошкент Давлат педагогика институтига етаклайди ва бу илм даргоҳини илмгезли диплом билан тугатгач, эллик йил давомида ўрта мактаб ва ўрта ҳунар-техника билим юрларида ўқитувчилик қилди.

Нуриддин ота учун бу йиллар ўз олдига қўйган мақсад — камолот сари қўйилган қадимлар бўлди. Ахир, ёшли инсоннинг куч-қувватга, орзу-хавасга, изланишларга тўла давриндир. Н.Насриддинов ҳам умрининг энг сермазун давларини фарзандаларни билими, тарбияли қилиш, улар онгига ватанпарварлик, инсонийлик туйғуларини сингдиришга бағишлади. Шундан бўлса керак, ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган хурматга, кўпчилиكنинг эътиборини қозонишдек фазилатга эришди. Тунларни тонгларга улаб, эзгу ният билан куч-ғайратини аямай меҳнат қилиш оdatига айланган отахон "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвони билан тақдирланди.

Уруш йилларида Нуриддин отанинг юртва, элга фидойиллиги яна бир қарра сивовдан ўтди. У Ватан озодлиги, тинчлик учун жанг қилди, орден ва медаллар билан тақдирланди ва урушдан ёруғ юз ила қайтди.

Отахоннинг турмуш ўртоғи Махсума ая ҳам оқила аёллардан эди. У ҳар қандай вазиятларда ҳам оиласига содиқ қолди. Ая 1998 йили оламдан ўтганда Нуриддин ота ёлғиз фарзанди Василага суяниб қолди. Эндиликда эса Василянинг уч нафар қизи — Назира, Нигора ва Нозималар отахон қалбининг қувонч шолдигандир.

"Яхши одам бўлиш учун алолатсизлик қилмасликнинг ўзи кифоя эмас, уни бутунлай истамаслик ҳам керак", деган эди Демокрит. Отахон ҳам табиатан ана шундай, адолатсизлик, ёлгончилиكنинг ёмон кўрали.

Меҳрибонлик, ростиўйлик, ҳалоллик инсонни улғайлади, болаларим, — дея ўқтиради отахон эвараларига ҳам, — доимо камтарин бўлинглар, камол топасизлар.

Юнусобод тумани меҳнат ахли Нуриддин ота Насриддиновни хурмат қилишдади. У туман Нурунийлар уюшмаси аъзоси, маҳалла фаолларидан биридир.

Отахонни тез-тез йўқлаб турадиган шогирдларини қўрганга кўпчилиكنинг ҳаваси келади. Шогирдлар ва фарзандалар ардоғида бахтли кексалик гаптини сураётган отахонга устозлар байрами арафасида табрик йўлаб, соғ бўлинг, деймиш.

Шаҳноза МУҲАММАДИЕВА,
ТошДЖТУ халқаро журналистика
факультети 1-курс талабаси

ИЗХОР

УСТОЗГА
ТАЪЗИМ



Кўзимнинг меҳри билан
Кўзингизда ғам кўрмай.
Юрагим кўри билан
Хурмат-ла таъзим айлай.

Кўлимга қалам ва саз
Бериб ҳар сўз жонида
Фидо бўлдингиз, устоз,
Меҳрим дарё қонимда.

Номингиз юракдадир,
Сиз мен учун яеона.
Шабингиз тилгақадир,
Сиз гўё азиз она.

Сочингиздаги оқ нур
Кўнглингизни нурлайди.
Ҳар бир сабогингиз дур,
Йулимизни нурлайди.

Самар НАЗАРОВ,
Алишер Навоий номидаги
Нафис санъат
лицейи талабаси

Ургутда бир мактаб бор...

Будун таълим-тарбия, ўқитиш ишларига эътибор ўзгача. Зеро, Ўзбекистон мактабларида энди ўз тақдирини ўз қўлига олган миллатнинг болалари ўқишмоқда. Бу мактабларда сабоқ олаётганларнинг келгусидаги ютуқлари Ўзбекистоннинг ютуқларидир. Кўплар замонавий лицей ва коллежалар қурдирилган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби улугвор режалар асосида иш олиб бораётган ҳуқуқимиз, ана шу олий ҳақиқатни ҳамма англаб олдиҳан умидвор.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар эртага ўзининг улкан ижодий натижаларини бериши шубҳасиз. Бироқ бу ислоҳотлар моҳиятини мутасаддилар ҳамма жойда ҳам бир хил тушуна олмаётганликларини ҳавтирилади.

Самарканд вилоятининг Ургут туманидаги 8-урта мактабга нисбатан муносабатни шундай баҳолаш мумкин. Тўғри, туманда охириги бир-икки йил ичда бир нечта янги мактаб ишга туширилди. "Ўзбеки-

стон" жамоа ҳўжалиги (8-мактаб шу ерда жойлашган) туманнинг аҳоли энг зич жойлашган ҳудудидир. Ушбу жамоа ҳўжалигига қарашли Ғўс қишлоғининг ўзида қарийб 20.000 аҳоли истикомат қилади. Деҳқончилик қилинадиган ерлардан кўра одамлар яшаб турган ҳудуд катта. Кичик ёки қўшма, давлатга қарашли бирор турдаги корхона йўқ. Биз бунинг сабаблари ва шарт-шароитини яхши тушунаимиз. Шундай бўлгач бу жой аҳолисини иш билан таъминлаш учун, аввало ёшларни яхши ўқитиш керак бўлади. Улар таълим оладиган мактабларни маҳалли мутахассислар, замонавий ўқув асбоб-ускуналарни, томидан чакка ўтмайдиган, қишда сал бўлса-да, илийдиган бино билан таъ-

минлаш зарур. Ҳолбуки, 8-мактабнинг деразалари бу яқин 20-30 йил ичида на очилган, на ёпилган. Ромларга ҳар йили ҳар хил бўёқ суртилган ва ёпилган ойналардан ташқари кўриш мушкул. Тунука "ойналар" ҳам йўқ эмас. Бундан 70 йиллар чамаси илгари қурилган мактабнинг деворлари нураб бормоқда. Ҳашар йўли билан қурилган 4та синфхонани жиҳозлаш ва таъмирлаш қийин кечмоқда. Аҳоли ўз ёрдами ни аямаяпти: қишда ёқиб учун ўтин соғитиб олиб бермоқда...

Мактабдаги муаммолар, етишмовчиликлар кўп. Бунинг ҳаммасини қаламга олишнинг ҳожаги йўқ. Мақсад туман ва жамоа ҳўжалиги раҳбар-

ларига Ғўс қишлоғининг марказида жойлашган 8-мактаб ҳақида борлигини эслатиб қўйишдир.

Дарвоқе, туманнинг янги ҳўқими одамларнинг айтишича, илгари мактаб соҳасида фаолият юритган экан. Шунинг учун у киши таълим-тарбия, хусусан мактабга ўзгача бир эътибор билан қарамоқда. Истагимиз — шу эътибордан 8-мактаб ҳам четда қолмас...

Бу мақолани мен шу мактабнинг собиқ ўқувчиси сифатида устозларимни байрам билан кутлаш учун ёзаётирман. Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни арафасида барча шогирдлар ўз устозларига қалбларидagi самийий гапларни айтгилари келади. Ва ҳамма мактаб даврининг энг бегубор, энг фараҳбахш


кўнларини эслайди. Табрикни муаммолар ҳақида гапирдишдан бошлашимизнинг сабаби — шу улғу айём арафасида устозларимни бир оз қийнаётган камчиликлардан бошқаларни ҳам бохабар қилиш эди, холос.

Азиз устозлар! Сиз берган ҳар битта сабоқ учун бошимиз ерга теккунча таъзим. Биз чиндан ҳам бахтли авлодимиз: мустақил ҳаётга 1991 йилда Ўзбекистонимиз билан бирга қадим қўйдик. Ўйлаймизки, Сиз берган билим ва тарбиянинг самараси ўларок, шу Ватан ва халқнинг юзини ҳеч қачон ерга қаратмаймиз.

Байрамнинг муборак бўлсин, бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг, азиз устозлар!

Собиқ ўқувчиларингиз номидан,
Ғўзбой САИДОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Халқ йўлида кил сенга бир ҳарф ўқутилиш ранж ила. Айламак бўлиас адо онинг ҳақин юз ганж ила. Алишер Навоий



Ҳурматли Гулчеҳраҳон АБРОМОВА ва Лобархон РАҲУПОВА!
Сизларни касб байрамингиз — Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизга узок умр, мустақкам соғлиқ, ёш авлодни тарбиялашдак шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда фақат муваффақиятлар ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.
Оила аъзоларингиз номидан ЗУЛФИЯ

ЎЗБЕКИСТОН
Ватан, сени онамдайин севар бўлдим,
Фарзандиман, фақат бахтинг тилар бўлдим.
Қучоғиндан душманларга бермагин жой,
Муҳаббатим денгиз-денгиз, тилар бўлдим.
Киндик қоним тупроғинга тўқилгандир,
Томирингга томирларим тўқилгандир.
Билгин, Ватан, юрак йўлинг тўқилганда,
Менинг нафас олиш йўлим тўқилгайдир.
Ватан, улуг мадҳинг юракка битдим,
Сен тинчсанки, шодлигимда қуёш ва осмон.
Бахти келсин, Ватан шеврин битта олса ким,
Сенинг учун фидо этай бу тану, бу жсон.
Самарканд вилоятининг Ургут туманидаги 8-синф ўқувчиси
Шаҳзодбек ҲАСАНБЕКОВ "ксерокопия" қилган



ҲАЁТ да ҚОНУН ҳимоя бўлсин десангиз:

- Республикада юридик нашр сифатида ҳар ойда чоп этилуви;
- барча қонун янгиликларидан хабардор этувчи ва уларни тушунирувчи;
- ҳуқуқ олимлари, прокурорлар, судлар, ички ишлар, божхона, солиқ ходимлари, адвокатлар, депутатлар ва бошқа тоифа фуқароларнинг ҳуқуққ оид фикрларини билдирувчи;
- тарихий ва ҳозирги ҳуқуққ воқиф этувчи;
- ҳуқуқий муаммога дуч келганингизда Сизни эшитиш ва ёрдам берувчи;
- жамиятдаги жиноят, ахлоқсизлик, қонун ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида таҳлилий чиқишлар қилиб, уларга нафарат уйғутувчи;
- детектив ва бошқа ҳуқуқий-бадний асарларни етказувчи;
- арз-шикоятингизни тингловчи...

Ҳуқуқий онг ва маданиятингиз шаклланишида энг яқин дўстингиз "Ҳаёт ва қонун" юридик журналга 2001 йил учун шу йил 1 октябрдан бошлаб обуна бўлинг!

"Ҳаёт ва қонун" ҳаминша ҳамроҳингиз бўлсин!

Нашр кўрсаткичи: Яқса обуначилар учун - 902, Ташилотлар учун - 903.

Яқинда Сирдарё вилоятининг "Оқолтин" ДАН масқонда 97-69 ҚФМ рақамли, 4310 русумли КамАЗ тўхтаб турган ҳайдовчи Эрназор Бердиров машинанинг аширинга қисмига жойланган 95 тонна рақли металллик Қозонистонга сотгани олиб кетоватганда тўхтади. 12 С 18-06 рақамли "Москвич-412" ҳайдовчиси Қомилжон Тоғаев эса Мирзаобод туманидан 150 литр дизел ёнгилсини Қозонистонга ойнала йўл орқали олиб ўтишда ушланди.



Суратда: ДАН ходими Тўрабек Шодиев иш устида. Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Гиёҳвандлик КЎЗИНИ ЮМГАН ТОШ ЮТАР

Бугунги кунда гиёҳвандликка қарши бугун дунё курашмоқда. Унинг инсонга келтирадиган хавф-хатари, уларнинг ҳаётдан эрта ўтишига сабаб бўлаётгани ҳам очик-ойдин. Яқинда эндигина 35 баҳорни қурган бир кўшимчиси 5 нафар фарзандини етим қолдириб ана шу оғу қасофатидан вафот этди... Аммо нимага шундай бўлди? Саволлар кўп, жавоблар топиламайди! Боз устига, энг хунунги, сўнгги йилларда гиёҳвандлик билан савдо-сотиқ қилиб, пул топиш йўлига кирганлар орасида аёлларнинг учраб туриши гоат ачинарлидир.

лик моддасини ашёвий далил сифатида фох этди. Яқинда бўлиб ўтган суд В. Қурбонвани тегишли ҳазага тортиди. Термиз шаҳар дарё портига қарашли ётоқхонада яшаётган, ҳеч қаерда ишламайдиган Уғилнор Аминова 200 миллиграмм, Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидан келган Умида Қодировалар ҳам 7 грамм 500 миллиграмм гиёҳванд модда билан қўлга олинди, ҳазага тортидилар. Фойдаси йўқ фаришадан ошна дев яхши, қабилда иш тутган тожикистонлик Баратгул Бубева салафатга ўралган 98 грамм 350 миллиграмм "героин"ни танасига боғлаб, яширинча йўллар билан Термиз темир йўл бекатига етиб келганда боқона ходимларининг ҳушёр ҳаракатлари тўғрисида фох этилди. Қумқўрган шаҳарда яшовчи Гуркина Светлана Владимировна 600 миллиграмм "героин"ни пулламоқчи бўлганда Термиз темир йўл бекатида қўлга олинди. Термиз шаҳрида яшовчи Наргиза Муқимова эндигина 32 ёшга кирганига қарамай гиёҳвандлик касалига дучор бўлган. Айни пайтда у мажбурий тиббий даволашига жалб этилган.

Самиков ОММОНИЁЗОВ, Термиз шаҳар прокурори, Собир ЁДИКОВ, журналист

МУАССИС ҲАҚИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

МАТОНАТЛИ ҚИШИЛАР

Кўз ўнгимизда давлати далалари намоён бўлаётти. Сўхбатдошларимиз баҳорги ва ёзиги бемалол маҳаллий ўғитга "орқа қилмоқ" даркор, - дейди раис сўхбат асносида. Замин соҳибни йўлини топди. Қўни-қўшиллар баҳамжиҳат иш тутиб, ҳўжалик бошқаруви кўмағида коллекторларга қўшимча насослар ўрнатилди. Натижа шу бўлдики, шולי барча жойда текис унди, текис ривожланиб, қутилганидек юқори ҳосил тўпладди. Қўни кеча ўримга киришилди. Худо хоҳласа, қишлоқда бу йил ҳам худди ўтган йиллардагидек гуруч мўл бўлади. Бундай тўқинчилик албатта, бозорларга ҳам қўчади.

лот қиймати ҳақидаги саволимизга жавобан Гурлан туманидаги "Деҳқонобод" жамоа ҳўжалиги раҳбари Исмоил Йўлдошев. - Элар юрт ризқ-насибаси ҳаққихурмати ушбу йилги вазиятда ҳосил таннархидан кўра унинг кут-баракасини кўпроқ ўйламоғимиз керак. Таннарх масаласига келсак, ҳақиқатан ҳам анча юқори. Экинни қурғоқчилик шароитида қўшимча харид қилинган ўғит, ёқилғи, техника воситаларини асраб қолди. Раис ҳақ. Шўни эслатмоқ жоизки, биз юқорида номўларини тилга олган 3 та ҳўжаликнинг ўзида қўшимча 35 та сув насоси ўрнатилди. Битта насосга кўн сайин 400 кило дизел ёнгил қўшилди сарфлангани назарда тутилса, сарф-ҳаражатлар қўлами кўз олинганда яққол намоён бўлади. Бу биргина сув насосларининг қиқими. Унга юқорида айтилган воситаларнинг сарф-ҳаражатлари ҳам қўшилса, таннарх миқдори аниқлаш қийин бўлмайди. "Деҳқонобод"ликлар ҳам мўл ҳосил учун курашда пулни "юзига қарамай" иш тутишди. Бунинг самараси ўлароқ, барча экинлар ўтган йил даражасида ҳосил бериши тайин бўлиб қолди. "Деҳқонобод"нинг ерлари Амударё соҳилларида дарёга томон 8-10 қақирим кенгликда матўм нишаблик билан жойлашган. Нишабликнинг юқори қисмини асосан пахта, бугдой, давлага, озуқа экинлари, бог-роғлар эгалланган бўлса, соғилга туташ худудларни шולי пайкаллари банд этган. Ернинг шу зайл матўм нишаблик бўйича жойлашуви коллектор-зовур сувларининг шолиторлар томон бегўтувчи оқини имконини беради. Аввалги йиллари пахтазорлар, бугдойзорлар, давлагизорлардан чиққан сувлар дарё соҳили бўйлаб олинган катта

ФҲДЁ ҳаёти ОИЛА — ЮРТ ТАЯНЧИ

"Оила тинчлиги — эл тинчлиги" деб бежиз айтилмаган. Президентимиз И. Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қоғолатлари" асариде "Оила бизнинг ҳалқимиз учун миллатнинг кўн асрлик аъёналари ва руҳиятига мос бўлган гоат муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир", деган эдилар. Дорҳоқиқат, оила бахт масқонидир. Авлодлар саламатлиги ва камолотининг таянчи оввало мустақкам оиладир. Бугун ёшлар орасида соғлом оила тушунчасини тарбия қилиш, улар саламатлигининг бир-бирига тиббий ва жисмоний жиҳатдан мослигини ўрганиш биз ФҲДЁ ходимларининг ҳам долзорб вазифаларимиздан бирига айланди. Бу борода йил довомида бир талай тадбирлар ўтказдик. Туманимиз хотин-қизлар кўмитаси ташаббус билан бўлиниши қошида "Еш оила мактаби" ташкил этилди. У икки йўналишда иш олиб бормоқда. Биринчи йўналиш — энди турмуш қураётган ёшлар учун профилактик кўринкини оҳамияти тўғрисида туман солиқни сақлаш ходимлари билан сўхбатда бўлиш. Иккинчиси, балоғат ёшидаги йигит-қизлар билан соғлом авлодни тарбиялаш борасида хотин-қизлар кўмитаси, солиқни сақлаш бўлимининг етук мутахассислари иштирокида мулоқотлар уюштириш. Йил бошидан сентябр ойига қадар ФҲДЁ бўлимида 2141 та тўғилиш, 664 та никоҳ қойд этилди. Афсуски, 116 та никоҳни бекор қилишга тўғри келди. Бунинг асосий сабаблари эркакларнинг ичкиликка ружу қўйиши, моддий етлошмовчилик, фарзандсизлик, келин-кўевнинг ўз солиқларидан вақтида хабардор бўлмаслиги, ёшларнинг боъзан мустақил ҳаётга тайёр эмаслигидир. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш, мақсадига бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, никоҳни бекор қилишни сўроб келишганда, уларнинг турар жойидаги маҳалла кўмиталари томонидан тегишли далолатнома талаб қилинишини амалиётга қилдик. Шу тўғрисида кўп оилаларнинг сақлаб қолганини эришилмоқда. Масъул ходимларимиз жойларда тез-тез бўлишиб, "Оила, аёл, болалик ва саламатлик", "Еш оила мактаби билан ҳамкор бўлинг", "Соғлом авлод — соғлом фикр" сингари бир қанча мавзуларда қишқилор қилишмоқда. Жаққор болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишлаб, "Богин-Эрам" маданият ва иштироқат боғида ўтказилган "Болалар ҳуқуқлари Конвенцияси" ҳалда Ўзбекистон Республикаси конунчилиги бўйича виқторинани ўтказишда ҳиссамиз борлигини до момуниш. Шу боғда "Ибратли қайнона", "Тўғил, шаҳрим, уйим" мавзуларида ўтказилган конкурслор гоат қизқорли бўлди. "Оқибат", "Бўз-8", "Юнқайи", "Бешкепа", "Авайжон", "Амир Темури" маҳалларларида ва мактабларда ўтказган тадбирларимиз тўғрисида халқ билан янада яқин бўлишга эришдик. Бундай тадбирларни давом эттириб, оила мустақамлигига ўз ҳиссамизни қўйишни бурчимиз деб биламиз.

Барно РЎЗИЕВА, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ФҲДЁ бўлими мудираси

Тест — адолат мезони

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бериб. Мустақиллик йилларидаги ислохотлар самараси ўлароқ ташкил этилган Қарши шаҳридаги 1-гимназия мактабини муваффақиятли тамомлаб, Тошкент Давлат Юридик институтига давлат гранти бўйича ўқишга кирдим. Тест синовлари жараёнида шунга амин бўлдимки, олий ўқув юртига талабалар қабул қилиши учун ушбу усули Ўзбекистон учун энг мақбул усулдир. Зеро, бунда фақат биллимлиларгина муваффақият қозониши мумкин. Аввалги замонлардагидек, ўқиниши қиролмаганлар имтиҳон олданидан домлардан хафа бўлиб юришлари ҳожаат йўқ, ҳамма нарсга замонавий компьютерлар ёрдамида аниқланади. Эндиги мақсадим ўқиниши аъло баҳоларга туғатиб, мамлакатимизнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнашига ҳисса қўшишдан етук ҳуқуқшунос бўлишдир. Президентимиз "Мустақиллик ҳуқуқ демакдир", деган ташаббуқ фирни ўртага ташлаганлар. Зеро мустақилликсиз ҳуқуқ, ҳуқуқсиз мустақиллик бўлмайди. Улуг мақсадлар, орзу-умидлар билан муътабар билли даргоҳига қадам қўйган биз қаби ёшларнинг вазифаси мустақилликни, у берган ҳуқуқларни мустақамлашдир. Ҳусан ТУРСУНОВ, ТДЮИ 1-боққич талабаси

МУАССИС ҲАҚИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Индекс: 646882 ИНСОН ВА ҚОНУН газетаси таҳририятда сақлаланди. А-2 бичида, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан "ШАРҚ" нашриёт матбаа конерни босмақасида босилди. Корхона маъноси: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-546 Тиражи-10.000. Босишга топширилди вақти 21.00 Босишга топширилди

Навбатчи: А. ОТАБОВЕВ Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: З. ШЕРМАТОВА Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА 700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 132-134. "Инсон ва қонун" газетаси 1997 йил 2 июлида Ўзбекистон Республикаси Адлият матбуот қўмитасида 00141-сон билан рўйхатдан ўтган.